

- ун ишлаб чиқариш ва сотиш;
 - балиқчилик хўжаликларни яритиш, интенсив балиқ етиштириш ҳамда увилдирик, чавок, балиқ ва балиқчилик маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;
 - пахта чигитидан (ўсимлик мойи, кунжара, совун ва бошқа) маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш.
- 2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.
- 2.4. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, компаниялар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

- 3.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.
- 3.2. Жамиятнинг устав фонди 702 601 533 000 (етти юз икки миллиард олти юз бир миллион беш юз ўттиз уч минг) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 570 (бир минг беш юз етмиш) сўм бўлган 447 516 900 дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.
- 86,92% фоиз (610 700 719 500 сўм ёки 388 981 350 дона оддий акция) давлат улуши;
 - 13,08% фоиз (91 900 813 500 сўм ёки 58 535 550 дона оддий акция) бошқа акциядолар ўртасида жойлаштирилган улуши.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

- 3.3. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 3.4. Жамият Устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 3.5. Акцияларнинг чиқарилишида эмиссия рисоласини тасдиқлаш ва акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилиш ва ушбу хужжатларга ўзгартиришлар матни тасдиқлаш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.